


ISSN (E) - 2181-1334
30.05.2022



MUHAMMAD AL-XORAZMIY

**“ILM-FAN VA TA'LIMDA
INNOVATSION YONDASHUVLAR,
MUAMMOLAR, TAKLIF VA YECHIMLAR”**

**KO'P TARMOQLI 24-SONLI RESPUBLIKA
ILMIY-ONLAYN**

KONFERENSIYASI

01 ANIQ VA TABIIY FANLAR

PEDAGOGIKA FANLARI 02

03 IJTIMOYIY-GUMANITAR FANLAR

FILOLOGIYA FANLARI 04



OPEN ACCESS

Crossref doi



**FARO'ONA VILOYATI, FARO'ONA SHAHRI
ISTE'DOD KO'CHASI 1-UY, 1-XONADOR**



+99891-152-93-14



WWW.ACADEMIASCIENCE.ORG

"ILM-FAN VA TA'LIMDA INNOVATSION YONDASHUVLAR, MUAMMOLAR, TAKLIF VA YECHIMLAR"
MAVZUSIDAGI 24-SONLI RESPUBLIKA ILMIY-ONLAYN KONFERENSIYASI



"ACADEMIA SCIENCE"

"UzACADEMIA"

SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL

ISSN (E) – 2181 – 1334

"ILM-FAN VA TA'LIMDA INNOVATSION
YONDASHUVLAR, MUAMMOLAR, TAKLIF VA
YECHIMLAR" MAVZUSIDAGI 24-SONLI RESPUBLIKA
ILMIY-ONLAYN KONFERENSIYASI

MATERIALLARI TO'PLAMI

30-MAY, 2022-YIL

1-QISM

MATERIALS OF THE 24TH REPUBLICAN SCIENTIFIC-ONLINE
CONFERENCE ON "INNOVATIVE APPROACHES, PROBLEMS,
SUGGESTIONS AND SOLUTIONS IN SCIENCE AND EDUCATION"

30 MAY 2022

PART-1

Google Scholar

ICI WORLD of JOURNALS



www.academiascience.uz

"UzACADEMIA" scientific-methodical journal
www.academiascience.uz

2

"ILM-FAN VA TA'LIMDA INNOVATSION YONDASHUVLAR, MUAMMOLAR, TAKLIF VA YECHIMLAR"
MAVZUSIDAGI 24-SONLI RESPUBLIKA ILMIY-ONLAYN KONFERENSIYASI

TAHRIRIYAT

"ILM-FAN VA TA'LIMDA INNOVATSION YONDASHUVLAR, MUAMMOLAR, TAKLIF VA
YECHIMLAR" MAVZUSIDAGI 24-SONLI RESPUBLIKA ILMIV-ONLAYN KONFERENSIYASI
БҮЮК ЛЕВ ТОЛСТОЙ

Авезова Диловар Салимовна

*Бухоро давлат университети филология факультети рус тили ва
адабиёти кафедраси ўқитувчиси*

Мукимова Гуландом Ахатовна

*Бухоро Давлат Университети филология факультети рус тили ва
адабиёти кафедраси ўқитувчиси*

Курбонова Азиза Садриддин кизи

*Мактабгача ва бошланғич таълим факультети 3-босқич
талабаси*

Аннотация: *Ақду заковат, ҳис-туйғу, руҳий салоҳият уйғунлиги маънавиятнинг мазмунини ташкил этади. Инсоннинг бу дунёга келиб кетишида қандай маъно бор? Умуман, Одамзод умрининг моҳияти нима? Жаҳоннинг буюк мутафаккирлари, машҳур файласуфлари ҳаммиса ана шу саволлар устида бош қотирганлар... Буюк адиб Лев Толстой ўзининг "Иқрорнома" асарига инсон умрининг мазмуни ҳақида бош қотирар экан, унинг ҳаётида эътиқод, диннинг ўрни ва роли ҳақидаги теран мушоҳадаларини ўртага ташлайди, улкан даҳоларни қийнаган маънавий муаммоларга жавоб излайди.*

Калит сўзлар: *тафаккур, масала, оддийлик, инсоният, таълим, ўқитувчи, муаммо, маънавият, ҳасби ҳол, самимият.*

Аннотация: *Сочетание интеллекта, эмоций и духовного потенциала составляет суть духовности. – В чем смысл прихода человека в этот мир? В чем вообще суть человеческой жизни? Над этими вопросами всегда размышляли великие мыслители и философы мира, ищущие ответы на духовные проблемы. Великий писатель Лев Толстой в своем произведении «Исповедь» останавливается на смысле человеческой жизни, на своих глубоких наблюдениях над верой, на месте и роли религии в его жизни, ищет ответы на духовные проблемы, которые терзают великих гениев.*

Ключевые слова: *мышление, задача, простота, человечество, образование, учитель, проблема, духовность, автобиография, искренность.*

Abstract: *The combination of intellect, emotions and spiritual potential is the essence of spirituality. What is the meaning of a person's coming into this world? What is the essence of human life? These questions have always been pondered by the great thinkers and philosophers of the world, seeking answers to spiritual*

"ILM-FAN VA TA'LIMDA INNOVATSION YONDASHUVLAR, MUAMMOLAR, TAKLIF VA YECHIMLAR" MAVZUSIDAGI 24-SONLI RESPUBLIKA ILMIY-ONLAYN KONFERENSIYASI

problems. The great writer Leo Tolstoy in his work "Confession" dwells on the meaning of human life, on his deep observations on faith, on the place and role of religion in his life, looking for answers to spiritual problems that torment great geniuses.

Key words: puzzle, simplicity, humanity, education, teacher, problem, spirituality, autobiography, sincerity.

Инсоният тарихида ўтган адибу олимларнинг камдан кам қисми инсониятнинг маънавий ривожига салмоқли из қолдирган Лев Николаевич Толстой ана шундай адиблардан бири саналади. Унинг оламдан ўтганига 100 йилдан ошганига карамай унинг шуҳрати ортиб бормокда. Бугунги кунда ер юзиде унинг асарлари, ўйлари етиб бормаган мамлакат қолмаган десак хато бўлмайдди. Замонлар ўтиб ҳаётдаги жуда кўп нарсалар эскириб кетган бўлсада, ҳатто кўпгина анъанавий кадриятлар ўрнини янги кадриятлар, янги эътиқодлар, янги тушунчалар эгаллаган бўлса-да, ҳаётлигидаёқ "Инсониятнинг устози" сифатида танилган.

Толстойнинг болалар учун яратган масаллари, эртақлари, кичик ҳикоялари дарсликларга ҳам киритилган. Яқинда адибнинг иккинчи синф ўқувчилари учун ўйлаб топган жумбоқни ўқиб қолдим. Ҳайратланарлиси шундаки ҳозирги кунда бу жумбоқни юқори синф ўқувчиларининг ўттиз фоизи, олий ўқув юрти талабаларининг йигирма фоизигина тўғри еча олар экан. Ҳар куни ҳисоб-китоб билан шуғулланадиган тадбиркорлару, ҳисобчилар ҳам хато қилишадиган ўша машҳур масала:

"Савдогар қалпоқ сотяпти, 10 сўмдан. Бир харидор келди кийиб кўриб сотиб олмоқчи бўлди. Лекин унинг 25 сўмлиги бор экан, холос. Сотувчи ўша 25 сўмни бир болақайга бериб, майдалаб келиш учун кўшниникига жўнатди. Бола пулни 10+10+5 сўмлик қилиб майдалаб келди. Савдогар қалпоқни ва 15 сўм қайтимни ҳалиги кишига берди. Орадан бироз вақт ўтгач, пулни майдалаб берган кўшни келди ва 25 сўмлик қалбаки эканини айтди. Иложсиз қолган сотувчи унга пулини қайтариб берди.

Савдогар жами бўлиб қанчага тушган?"

Ушбу оддийгина жумбоқнинг жавобини топа оласизми? Сиз ҳам бир уриниб кўринг.

Кирим-чиқимларни ҳисоблаймиз. Савдогарнинг кирими: бола майдалаб келган 25 сўм.

Чиқимлари: қалпоқ (10 сўм) + қайтим (15 сўм) + кўшнисига берган пул (25 сўм) = 50 сўм.

Жами $25 - 50 = -25$

Демак, савдогар 25 сўм зарар кўрган.

Лев Толстойнинг маънавий сабоқлари мутлоқ эскиргани йўқ. Кучли инсонларнинг сирини оддийликда. Шу ўринда "Ёшлик" журнаlining 2019 йил 5-сонида Ориф Толиб таржимаси билан чоп этилган Лев Толстой хикматларидан намуналар келтиришни лозим деб топдим.

- Олим – китоблардан кўп нарса ўрганган кишидир. Ўз даврининг илм ва тажрибаларини ўзлаштирган киши ўқимишли саналади. Ҳаётининг моҳиятини англаган киши эса зиёлидир.

- Таълим билан тарбияни ажратиб бўлмайди. Билим бермай туриб тарбиялаб бўлмайди. Ҳар қандай таълим тарбиялашга ҳам хизмат қилади.

- Ўзимизни тарбияламай туриб, болаларимизни ёки бошқа бировларни тарбиялашга уринар эканмиз, тарбия мураккаб ва оғир иш бўлиб қолаверади. Бошқаларни фақат ўзимиз орқали, ўзимизни тарбиялаш орқали ўзгартиришимиз мумкинлигини англаган пайтимиз тарбия масаласи ёпилади ва ҳаётнинг биттагина масаласи қолади: ўзимиз қандай яшашимиз керак?

- Агар ўқитувчи фақат ишга муҳаббатли бўлса, у яхши ўқитувчи. Агар фақат ўқувчини суйса, унга худди ота-онасидай меҳрли бўлса, ҳамма китобларни ўқиган-у, лекин ишини ва ўқувчиларини яхши кўрмайдиган муаллимдан афзалдир. Агар ўқитувчи ўзида ишга ва шогирдларига муҳаббатни жам қила олган бўлса, тўқислик мақомига эришибди.

- Чўкиб кетаётган Пушкинлар, Остроградскийлар, Филаретовлар, Ломоносовларни қутқариш учун халқ ўқимишли бўлишини истайман. Бундай иктидорлар ҳар битта мактабда тўлиб-тошиб ётибди.

- Шеърят инсон қалбидаги оловдир. Бу олов ёндади, ҳарорат ва нур беради. Чинакам шоир ихтиёрсиз шаклда, изтироблар билан ёнади ва бошқаларни ҳам ёндади. Ҳамма гап шунда.

- Хотиранинг эмас, тафаккурингиз саъй-ҳаракати билан эгалланган билим чинакам билимдир.

- Кўп билиш эмас, энг керагини билиш муҳим.

- Ўртача ва кераксиз нарсаларни кўп билгандан, кам бўлса ҳам яхши ва керакли билимга эга бўлган афзал.

- Ахлоқий фаолият инсоннинг энг юксак вазифасидир.

- Фақат ўзингга маълум нарса ҳақида гапир. Акс ҳолда жим тур.

- Агар гапирмаганингга бир марта афсуслансанг, сукут сақламаганингдан юз бор надомат чекасан.

- Одамларни қандай гапиришга ўргатишади. Асл илм қачон ва қандай сукут сақлашни билишдир.

- Айтадиган гапи йўқ одам ҳаммадан кўп гапиради.

"ILM-FAN VA TA'LIMDA INNOVATSION YONDASHUVLAR, MUAMMOLAR, TAKLIF VA YECHIMLAR" MAVZUSIDAGI 24-SONLI RESPUBLIKA ILMIY-ONLAYN KONFERENSIYASI

- Ҳамма инсониятни ўзгартиришни истайди, лекин ҳеч ким ўзини ислох этиш ҳақида ўйламайди.
- Барча бахтли оилалар бир-бирига ўхшаш, лекин ҳар бир бахтсиз оила айрича бахтсиз.
- Бахт – табиат билан бўлиш, уни кўриш, у билан мулоқот қилишдир.
- Ғийбат одамларга жуда ёқади. Бировни муҳокама қилмаслик ва бу билан суҳбатдошингни ажойиб ҳузурдан мосуво эта олиш жуда қийин иш.
- Кутгани билган одам ҳамма нарсага эришади.
- Кучли одамлар ҳамиша оддий бўлади.
- Майли, ҳар ким ўз эшиги олдини тозаласин. Агар ҳар ким шундай қилса, ҳамма кўчалар тоза бўлади.
- Мен севадиган ҳамма нарсамга эга эмасман. Лекин ўзимда бор барча нарсани севаман.
- Муҳаббат – севадиган кишининг ҳаёти билан яшашдир.
- Никоҳ сингари ўта муҳим, кескин, ҳамма нарсани ўзгартирадиган ва ортга қайтиш имконсиз бўлган иш йўқ. Фақат ўлим шундай, холос.
- Одам кўникмайдиган шароит йўқ. Айниқса, атрофдаги ҳамма шундай яшаётганини кўрса, бу жуда осон кечади.
- Одам ҳамиша бахтли бўлиши керак; агар бахтинг тамом бўлаётган бўлса, яхшилаб разм сол, каердадир хато қилдинг.
- Одамлар кўпинча виждонлари тозаллиги билан мағрурланади. Аслида, уларнинг хотираси яхши ишламайди.
- Одамлар муҳаббат билан тирик; ўзингга муҳаббат – ўлимнинг бошланиши, Худога ва одамларга муҳаббат эса ҳаётнинг бошланишидир.
- Санъат яхшини ёмондан ажратишнинг бир усули, эзгуликни танишнинг бир воситасидир.
- Севгисиз яшаш осон. Лекин бундай ҳаётда мазмун йўқ.
- Тўғри, олтин бор жойда тупроқ ҳам кўп бўлади; лекин бундан бирор-бир ақли гап айтиш учун истаганча валдираш мумкин деган хулоса чикмайди.
- Уруш гирром ва аҳмоқона иш, чунки урушаётганлар виждонларининг овозини ўчиришга ҳаракат қиладилар.
- Ҳалол яшаш учун интилиш, янглишиш, урилиб-сурилиш, доим курашиш ва нималарнидир бой бериш керак. Лоқайдлик – қалбнинг пасткашлигидир.
- Ҳамма режа тузади, лекин бу режаси кечгача борми-йўқми – ўзи билмайди.
- Ҳар қандай ярамас ўзидан тубанроқ ярамасни топиши ва ундан яхшироқлиги билан ғуруланиши, ўзидан рози бўлиши мумкин.

"ILM-FAN VA TA'LIMDA INNOVATSION YONDASHUVLAR, MUAMMOLAR, TAKLIF VA YECHIMLAR" MAVZUSIDAGI 24-SONLI RESPUBLIKA ILMY-ONLAYN KONFERENSIYASI

• Энг хайратланарли хатоликлардан бири – бахт хеч нарса килмай яшашда, деб ўйлашдир.

• Яхши бўлганимиз учун бизни яхши кўришади, деб ўйлаймиз. Аслида, улар яхши бўлганлари учун бизни яхши кўришларини англамаймиз.

Буюк адиб Лев Толстой ўзининг "Икромнома" асарида инсон умрининг мазмуни ҳақида бош котирар экан, унинг ҳаётида эътиқод, диннинг ўрни ва роли ҳақидаги теран мушоҳадаларни ўртага ташлайди, даҳоларни кийнаган маънавий муаммоларга жавоб излайди.

Ҳасби ҳол (араб-аҳвол баёни, ҳол-аҳвол тасвири)-шоир ёки ёзувчи томонидан мауъан вазиятдаги ҳол-аҳволи баёнига бағишлаб ёзилган асар.

Жаҳон адабиётида бунақа асарлар унчалик кўп эмас. Энг машҳурлари Жан-Жак Руссо, Оскар Уайльд каби ёзувчиларнинг асарларидир. Муаллифлар ўз ҳаётлари мисолида инсон фаолиятининг энг мураккаб жихатларини ёритадилар. Бу асарлар биографик ёхуд мемуар асар ҳисобланмайди. Толстой "Икромномаси"нинг энг муҳим фазилати шундаки, у асарда қайси муаммо ҳақида баҳс юритмасин ҳамини бу муаммоларни ўз ҳаёти мисолида таҳлил қилган ва бирор ўринда самимиятдан чекинмаган. Адабиётшунос олим, Ўзбекистон қаҳрамони Озод Шарафиддинов таржимасидаги "Буюк адибнинг икромномаси" асари китобхонлар учун жуда кўп маълумотлар беради. Бу инсон қисмати, унинг ҳаёт фалсафаси ҳақидаги теран фикрларнинг узок йиллик мазмуни.

Агар дунёдаги ҳамма одамлар қандайдир назарияларга амал қилиб, дунё яратилганидан бери шуни зарур деб ҳисоблаб келган эканлар, мен биламанки, бу керак эмас, бу ёмон иш. Шунинг учун нима яхшию нима зарур эканини одамларнинг гап-сўзларини қиликлари эмас, тараққиёт эмас, балки мен юрагимнинг амрига кўра белгилайман.

Ҳар гал калбимдаги энг яхши майлларимни, яъни маънавий жихатдан яхши бўлмоқчи эканимни намойиш қилсам, мени мазах қилишар ва нафрат билдиришарди; ёмон эҳтиросларга бериладиган бўлсам, ҳар гал мени макташар ва рағбатлантирар эдилар.

Одамзод дарди бедаво бир дардга чалинадиган бўлса, одатда шундай бўлади. Аввалига хасталикнинг арзимас белгилари намоен бўлади. Бемор уларга эътибор бермайди. Кейин бу белгилар такрор-такрор учрайверади ва бора-бора бўлинмайдиган, битта яхлит дардга айланади. Дард кучайгандан-

"ILM-FAN VA TA'LIMDA INNOVATSION YONDASHUVLAR, MUAMMOLAR, TAKLIF VA YECHIMLAR" MAVZUSIDAGI 24-SONLI RESPUBLIKA ILMIY-ONLAYN KONFERENSIYASI

кучаяди ва бемор бирор тадорикни кўриб улгурмай англайдики, у оддий хасталик деб қабул қилган нарса унинг учун дунёдаги энг муҳим нарса экан.

Агар мен бир ўрмонда истикомат қилсаму шу ўрмондан чиқиб кетадиган йўл йўқ эканини билсам, яшайверишим мумкин эди. Бироқ мен ўрмонда адашиб қолган бир кимса эдим. У адашганини билиб, янада тахликага тушади, ҳар томонга бош уриб, йўлни топиб олгиси келади, ҳар бир қадами уни янада чалғитаётганини яхши билади, бироқ шунга қарамай, ўзини ҳар ёнга уришдан тўхтата олмайди.

Ҳамма нарса ривожланади, таркибий қисмларга ажралади, мураккаблашиш ва мукаммаллашиш сари боради. Бу ҳаракатни белгилаб турувчи қонунлар бор. Сен–бутуннинг бир қисмисан. Имкони борича бутунни билсанг, ривожланиш қонунини билсанг, шу билан сен шу бутунликдаги ўз ўрнингни ҳам билган бўласан.

Фалсафа нафақат бу саволга жавоб бермайди, балки ўзи ҳам кўшилишиб сўрайди. Агар у чинакамга фалсафа бўладиган бўлса, унинг бутун иши шундан иборат бўлмоғи керакки, у шу масалани аниқ-тиниқ қўймоғи керак. Агар у ўз вазифасига қаттиқ риоя қиладиган бўлса, “мен нимадан ва бутун дунё нима?” деган саволга “ҳамма нарса ва ҳеч нарса” деб, “дунё нечун мавжуд ва мен нимага яшайман?” деган саволга “билмайман” деб жавоб беришдан ўзга иложи бўлмас эди.

Агар менинг тафаккурим бўлмаса, мен учун ҳаёт ҳам бўлмас эди. Аммо тафаккурнинг ўзи, ақлнинг ўзи ҳаётнинг ижодкори бўлса, у қандай қилиб, нечук ҳаётни инкор этади. Ёки бошқа томондан олиб кўрайлик: агар ҳаёт бўлмаса эди, менинг тафаккурим, ақлим ҳам бўлмас эди. Бинобарин, ақл — ҳаётнинг фарзанди экан-да! Ҳаёт — ҳамма нарса. Ақл ҳаётнинг самараси ва шу ақл ҳаётнинг ўзини инкор этади.

Агар у бирон нарсани билмаса, билмаган нарсасини бемаъни, ахлоқона нарса деб атайди.

Иймон ҳаётнинг қудратидир. Инсон яшар экан, у бирор нарсага ишонади, иймон келтиради. Агар у “нима учундир яшамок керак” деб бирон нарсага ишонмаса, иймон келтирмаса, унда у яшамас эди. Агар у чекланган нарсани кўрмаса ва унинг ҳаёлий бир нарса эканини англамаса, у ана шу чекланган

"ILM-FAN VA TA'LIMDA INNOVATSION YONDASHUVLAR, MUAMMOLAR, TAKLIF VA YECHIMLAR" MAVZUSIDAGI 24-SONLI RESPUBLIKA ILMY-ONLAYN KONFERENSIYASI

нарсга ишонарди; агар у чекланган нарсанинг хаёлий эканини англаса, унда у чексиз нарсга ишонмоғи керак. Иймонсиз яшаб бўлмайди.

Англадимки, агар мен хаётни ва унинг маъносини англамоқчи бўлсам, мен текинхўрга хос хаёт кечирмоғим керак эмас, балки чинакам хаёт қўйнида яшамоғим зарур, хақиқий инсоният бу хаётга қандай маъно бераётган бўлса, шу маънони қабул қилиб, шу хаётга сингиб кетмоғим ва уни текшириб кўрмоғим шарт.

Одамлар чинакамига ишонган нимаики бўлса, у хақиқат бўлмоғи керак; у хар хил йўсинда ифодаланмоғи мумкин, бироқ у ёлгон бўлмоғи мумкин эмас, шунинг учун ҳам мабодо у менга ёлгон бўлиб туюлса, бунинг маъноси шундан иборатки, уни мен англамабман.

Дархақиқат, куш шундай хаёт кечирадики, у учмоғи, овқат жамғармоғи, ин курмоғи керак. Куш шундай қилаётганини кўрсам қушдан хурсанд бўламан. Эчки, қуён, бўри шундай хаёт кечиришадик, улар қоринларини тўйгазиши, оилаларини боқишлари керак. Уларнинг шундай қилаётганларини кўрсам, мен қатъиян ишонаманки, улар бахтиёр ва уларнинг хаёти оқилона. Хўш, инсон нима қилмоғи керак? У ҳам худди жониворлар қилган ишларни қилиб хаёт кечирмоғи керак, фақат фарқ шундаки, бу ишларни инсон ёлғиз ўзи қилса, у муқаррар тарзда халок бўлади, у фақат ўзи учун эмас, ҳамма учун қилмоғи зарур. У ҳамма учун бу ишларни қилаётганини кўрсам, мен қатъиян ишонаманки, у бахтиёр ва унинг хаёти оқилона.

Улуғ адиблардан бири И.С. Тургеневнинг Лев Толстойга ёзган мактуби икки буюк ижодкорнинг нечоғлик бир-бирига азиз ва қадрдон эканлигидан далолат беради. "Азиз ва қадрли Лев Николаевич. Узоқ вақт сизга мактуб ёзмадим. Чунки, тўғриси айтсам, ўлим тўшагида ётган эдим, ҳозир ҳам шундай. Мен тузалмайман – бу тўғрида ўйлаш ҳам ортиқча. Сизга хат ёзишдан мақсадим эса, аслини олганда, мен сизнинг замондошингиз бўлганимдан қандай хурсанд эканлигимни айтишдир ҳамда Сизга сўнги самимий илтимосимни изҳор этмоқчиман. Жон дўстим, адабий фаолиятга қайтинг! Ахир бу тухфа сизга у ёқдан-ку, барча нарсалар ҳам ўша ёқдан. Эҳ, агар менинг илтимосим сизга таъсир этади, деб ўйлай олсам, нақадар бахтли бўлган бўлардим. Мен-ку, тугаган одамман – докторлар менинг дардимни қандай деб аташни ҳам билмайдилар... На юриб бўлади, на ейиш мумкин, на ухлаб бўлади, нимасини айтай. Ҳатто буларнинг бирини айтишнинг ўзи ҳам азобдир!

"ILM-FAN VA TA'LIMDA INNOVATSION YONDASHUVLAR, MUAMMOLAR, TAKLIF VA YECHIMLAR" MAVZUSIDAGI 24-SONLI RESPUBLIKA ILMIY-ONLAYN KONFERENSIYASI

Менинг дўстим, рус ерининг улуғ ёзувчиси, менинг илтимосимни инобатга олинг!"

Бу илтижоли сўзлар улуғ ёзувчи С.И.Тургеневнинг ўз кўли билан ёзилган сўнгги мактубидир. Қаранг, икки дўст ҳаётининг охири кунларида ҳам бир-бирларига қанчалик меҳрибон бўлганлар.

Бу фикрни қанча кўп такрорласак, шунчалик оз: улуғ одамлар ниҳоятда камтар бўлишади. Буюк ёзувчиларнинг ҳаётига дахлдор куйидаги воқеа ҳатто латифага айланиб кетганлигининг ўзиёқ фикримизни далиллайди.

Бу воқеа йигирманчи асрнинг бошларида бўлиб ўтган. Москвада нашр этилаётган журналнинг раҳбари оддийроқ базм ташкил этади. Табиийки, у ерда журнал ходимлари муҳаррирни роса мақташди. Ижодкорлар киттак-қиттак олишди ҳам. Хулласи калом, базм кизигандан кизиб кетди.

Ҳаш-наш дегунча орадан бирор соатлар ўтиб кетди. Шундан сўнг журнал муҳаррири тушмагур қандайдир ҳаёл билан қабулига бирор киши келган ёки келмаганлигини суриштира бошлайди. – Ҳеч ким келгани йўқ, – деди котиба. Аммо пўстинга ўраниб олган қандайдир чол сизни анчадан бери кутиб ўтирибди.

– Кутса кутаверсин, – дея муҳаррир давradoшлари билан кайфу сафо килишда давом этади.

Яна бир соатдан кейин кайфдан юзи кип-кизил бўлиб кетган муҳаррир қабулхонага чиқди-ю, ранги қув оқариб кетди.

У ерда Лев Толстой ўтирарди.

Мана сизга камтарликнинг юксак чўккиси. Жаҳонга машҳур шох асарлар яратган улуғ ёзувчи ана шундай одам эди.

Ҳар бир халқ ўз тарихининг салмокли даврлари ва долзарб фаслларида буюк олимлар ва ёзувчилар, арбоблар ва санъаткорларни етиштирган: Фирдавсий ва Навоий, Гомер ва Данте, Саъдий ва Байрон, Шекспир ва Бальзак, Гюго ва Тагор, Пушкин ва Толстой. Толстой яна ўнлаб ва юзлаб ёзувчилар одамзод бадий ижодиётининг мангу порлаб тургувчи нурли чўккиларидир.

Адабиётлар:

1. Лев Толстой «Исповедь» 100 лучших книг всех времен: www.100bestbooks.ru

2. Л.Толстой “Икрорнома” Озод Шарафиддинов таржимаси. Тошкент “Маънавият” нашриёти 1998

3. www.ziyouz.com.kutubxonasi

4. “Ёшлик” журнали 2019 йил 5-сон

5. Л.Н.Толстой таваллудининг 180 йиллиги муносабати билан

Методик-библиографик қўлланма

"ILM-FAN VA TA'LIMDA INNOVATSION YONDASHUVLAR, MUAMMOLAR, TAKLIF VA YECHIMLAR" MAVZUSIDAGI 24-SONLI RESPUBLIKA ILMIY-ONLAYN KONFERENSIYASI
ГЕНИЙ ЧЕЛОВЕЧЕСТВА

К 180-летию со дня рождения Л.Н.Толстого

Методико-библиографическое пособие

Тошкент – 2008

6. Толстой Л. Н. - Тургеневу И. С., 28 марта (9 апреля) 1857 г.

Источник: <http://tolstoy-lit.ru/tolstoy/pisma/1856-1862/letter-66.htm>